Ушбу сонда:
2 МИЛЛИЙ ҒОЯ - ҚУДРАТЛИ КУЧ
3 АРХИВ ўтмиш ва келажак орасидаги кўприк
4 ЛАЙЛАК эзгулик, қут-барака рамзи

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 18 апрел, сешанба №54 (886)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

***Т.Холтоевни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида***

Туроп Холтоев Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 17 апрель

## АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу кунларда мамлакатимизда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт меҳмон бўлиб турибди. Меҳмон 16 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатли сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, минтақавий ва халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлаш, барқарорликни сақлаш муаммолари борасида фикр алмашилди.

АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ва ўқитувчилари ҳузурида маъруза қилди.

Мадлен Олбрайт ўз маърузасида Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, АҚШнинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юритаётган сиёсати ҳамда дунёвий ва минтақавий хавфсизлик муаммолари ҳақида ўз фикрларини баён этди. У Ўзбекистон халқи қадимдан маърифатлилиги билан ажралиб туришини таъкидлади. Масалан, Бухорода дунёдаги энг йирик ва бой кутубхона бўлгани тарихдан яхши маълум. Бу шаҳардан дунёга машҳур математиклар, фалакиётшунослар, шоирлар, шифокорлар ва бошқа соҳа билимдонлари етишиб чиққан. Буюк Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» неча юз йиллардан буён бутун дунёда тиббиёт олимлари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда. М.Олбрайт Ўзбекистонга мазкур сафари чоғида дунёнинг маданий ва маърифий марказлари бўлмиш Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилишни сабрсизлик билан кутаётганини ҳам алоҳида таъкидлади.

Бевосита ташрифга оид мавзу - ўз давлатининг минтақамиз мамлакатларига нисбатан юритаётган сиёсатига тўхталган М.Олбрайт, АҚШнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик ҳукм суришидан манфаатдор эканини айтди. Халқаро иқтисодий интеграция кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бир мамлакат бозорининг ривожланиши кўплаб бошқа ўлкалардаги бозорлар ривожига боғлиқ. Шундай экан, савдо-сотиқ, сармоя, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун, хавфсизлик масалалари, жумладан, халқаро террорчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдоси, айирмачилик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадга мувофиқдир.

М.Олбрайт Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталиб, АҚШ ҳукумати минтақада экстремистик кайфиятдаги гуруҳлар ҳамда наркотик моддалар ташиладиган йўллар пайдо бўлишидан ташвишда эканини айтди. У минтақамизда беқарорлик келиб чиқишига асосий сабаб Афғонистондаги қуролли можаролар эканлигини ҳам таъкидлади. Шунингдек, М.Олбрайт АҚШ ҳукумати ўтган йили Тошкентда юз берган портлашлардан, қўшни Қирғизистон жанубига террорчилар бостириб кирганидан қаттиқ ташвишга тушганини, мазкур муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистондан ёрдамини аямаслигини қайд этди.

АҚШ Давлат котиби минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсатга юқори баҳо берди.

М.Олбрайт маърузасининг яна бир қисми бозор иқтисодиёти тамойилларига таяниб иш юритадиган кучли демократик институтлар барпо этиш мавзуида бўлди. Ҳақиқий демократик жамият ҳар қандай муаммони ҳал қила олади. Сиз айнан ана шундай жамият қуриш йўлини танлагансиз. Бу узоқ ва машаққатли йўл, бироқ кўзланган мақсад - хайрли. Бу йўлда АҚШ Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, деди у.

**(ЎзА)**

## «ХАЛҚ ИШОНЧИ - ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ»

***Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти «Халқ ишончи - олий масъулият» деб номланган янги китобни босмадан чиқарди. Ушбу салмоқли мажмуада 2000 йил бошида мамлакатимизда рўй берган муҳим воқеа - Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ жуда қимматли ҳужжатлар жамланган бўлиб, улар ана шу муҳим сиёсий тадбирнинг тарихий аҳамиятини янада тўлароқ англаб етишга хизмат қилади.***




Китобнинг салмоқли қисмини Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Президентликка номзод сифатида сайловчилар билан учрашувларда сўзлаган нутқлари ҳамда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси ташкил этади. Уларни мутолаа қилар экансиз, Президентимизнинг «Мен ўзимнинг энг эзгу мақсадим, ҳаётимнинг маъно-мазмунини бошлаган ижобий ишларимизни давом эттириш, ҳар бирингизнинг эртанги кундан кутаётган орзу-умидларингизни рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилиш деб биламан. Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бошқа улуғ саодат йўқ» деб айтган пурмаъно сўзлари, шубҳасиз, ҳар биримизнинг қалбимизда чуқур фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Маълумки, Президент сайлови мамлакатимизнинг демократия сари ҳаракатида янги муҳим қадам бўлди. У фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошганлигини, уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишга интилаётганликларини кўрсатди. Бу билан Ўзбекистон ўзининг нафақат эркин демократик ривожланиш тамойиллари тарафдори эканлигини, балки уларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётганлигини ҳам бутун дунёга намойиш этди. Бу китобдан ўрин олган барча ҳужжатларда: чет эллик кузатувчиларнинг фикрларида, хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари ҳамда Ватанимизнинг турли бурчакларидан Юртбошимиз номига келган самимий қутловларда, жаҳон матбуоти саҳифаларида Ўзбекистон ва унинг Йўлбошчиси тўғрисида эълон қилинган мақолаларда ўз ёрқин ифодасини топган.

**(ЎзА).**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Деҳқон ва фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлашга Ўзбекистон саноат қурилиш тижорат банки Тахиатош шаҳри бўлими ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Банк бўлими ходимларининг тезкор ва малакали хизмат кўрсатишлари сабабли йилнинг ўтган даврида 10 нафар тадбиркор ва икки кичик корхонадан кредит олиш учун келиб тушган буюртмалар тўла қаноатлантирилди. Ҳозир банк бўлимида кредит олиш учун тавсия қилинган 15 та лойиҳа амалга оширила бошланди. Бунинг учун бўлимга 25 миллион сўм ҳажмдаги кредит ресурслари ажратилгани муҳим омил бўляпти.

## ШАҲРИСАБЗДА ПАҲЛАВОНЛАР БЕЛЛАШИШДИ

***15 апрель куни Шаҳрисабзда кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган 3-халқаро турнир бўлиб ўтди***



1992 йили Шаҳрисабзда кураш бўйича ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган анъанавий турнирга асос солинган эди. Буюк бобомиз хотирасига бағишлаб ўтказиладиган бу мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. У ҳар сафар паҳлавонлар ва кураш ишқибозлари учун ҳақиқий спорт байрамига, миллий қадриятларимиз тантанасига айланади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Шаҳрисабздаги ўн беш минг томошабинга мўлжаллананган «Ҳисор» стадиони барча ишқибозларни ўзига сиғдира олмади. Қулайроқ жой олиш истагида одамлар эрталабданоқ стадионга келиб олганди. Стадионга киришнинг иложини тополмаган болалар ва ўсмирлар эса теваракдаги дарахтлар бағридан жой топди. Шохларда қалдирғочлардай тизилиб ўтирган ёшларни кўриб хорижлик меҳмонлар ҳайратини яширолмади - кўп вақтини фотоаппаратларини чиқиллатиб ўтказди - уларни суратга туширди.

Турнирга дунёнинг энг кучли полвонлари йиғилиши одат тусига кирмоқда. Бу йилги турнирга ҳам Болгария, Литва, Грузия, Словакия, Бангладеш, Корея, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан иштирокчи ва меҳмонлар ташриф буюрди. Юртимиз шарафини эса Эрали Маҳмарасулов, Баҳром Авазов, Ботир Хўжаев, Муҳаммаддўст Тошев, Шуҳрат Хўжаев, Ботир Ҳасанов каби алп паҳлавонлар ҳимоя қилди. Қашқадарё вилояти ва Шаҳрисабз тумани полвонлари эса алоҳида жамоа бўлиб майдонга тушди.

**(Давоми 4-бетда)**

## НЬЮ-ЙОРКДАН БОШЛАНГАН «БЎРОН»

Ўтган жума куни Нью-Йорк қимматли қоғозлар биржасида АҚШ фирма ва компаниялари акцияларининг умумий қийматини белгилайдиган «Доу-Жонс» индексининг баҳоси кескин тушиб кетди. АҚШнинг марказий бозорида бошланган бўрон тез орада бутун дунёга тарқалди. Молиячилар тилида «домино эффекти» деб аталадиган воқеа рўй берди. Аввалига Япония, Жанубий Корея, Сянгандаги биржалар, кейинроқ эса Европа бозорлари ларзага келди.

Дастлабки савдо Кунчиқар мамлакатида бошланди. Мутахассислар Нью-Йорк таъсири бўлишини билар, лекин бу қадар кучли «бўрон»ни кутмаган эди. Эрталабки савдо тугаган пайтда «Никкей» индекси саккиз фоиз арзонлашгани қайд этилди. Ҳаммадан ҳам юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниялар анча оғир аҳволда қолди.

Лондондаги савдо ниҳоясида эса фирма ва компаниялар умумий ҳисобда 57 миллиард АҚШ долларини бой берди. Франция ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларидаги биржаларда ҳам шундай вазият вужудга келди. Лондоннинг «Эф-Ти-Эс-И» индекси дастлабки дақиқалардаёқ тўрт фоиз арзонлашган бўлса, Парижнинг «Сас» индекси 6065 дан 5810 га тушди. Бу сўнгги йилларда кузатилмаган пасайишдир. Франкфуртнинг «Ксетра дакс» индекси ҳам 279 поғона пастлади.

Айрим мутахассислар жуда тушкунликка тушиб қолди. Хусусан, Лондондаги «Номура» компанияси вакили Энтони Бертоннинг айтишича, воқеалар ривожи 1987 йилгидек кечади. Ўшанда «Доу-Жонс» индекси 22,6 фоиз арзонлашиб кетган эди.

Лекин молия соҳасининг пирлари сармоядорларга саросимага тушмасликни ва талотўпда акцияларни сотиб юбормасликни маслаҳат бермоқда. Чунки қимматли қоғозлар бозори сўнгги вақтларда жуда «қайнаб» кетган, яъни акциялар ўз қийматига номуносиб тарзда жуда қимматлашган эди, энди ҳаммаси жой-жойига қайтяпти. Узоқни кўзлаганлар акцияларни шу кеча-кундузда, арзонлашган пайтда сотиб олишни ҳам маслаҳат бермоқда. «Бўрон» бир-икки ҳафтада тинади. Кейин яна нархлар ўсади.

...Мутахассислар шундай фикрда. Қани, кутайлик-чи, нима бўларкан.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## ИЛОҲИЙ РУҲ



Лаънати уруш инсоният бошига не-не кунларни солмади. Унинг одамлар қалбидаги жароҳати бир умрга ўчмаса керак. Биргина бизнинг қишлоғимиздан қанчадан-қанча умри азизлар фронтга кетиб, кўплари қайтмадилар. Улар она юртим, жигарларим, фарзандларимиз дея жон фидо этдилар. Уларни ёд этиш, порлоқ хотиралари олдида таъзим бажо айлаш муқаддас бурчимиздир.

Мустақил Ўзбекистонимизда Президент бошчилигида уруш йиллари, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича катта савобли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда барчанинг диққат-эътибори 17 гектар ҳудудни эгаллаган Юнусобод туманидаги ёдгорлик мажмуи қурилишига қаратилган. У ерда бўлган киши бағоят тўлқинланади. Қурувчилар кеча-ю кундуз тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Улар буюк ва ўта савобли ишга дахлдор эканликларини чуқур ҳис қилаётганликлари шундоққина сезилиб турибди. Қурилиш бошланган кезлар бу ерда бўлганимда жарликларни кўриб, «қўрққан» эдим. Куни кеча табаррук масканда бўлиб, ҳайратдан ёқа ушладим. Қисқа вақт мобайнида катта ишлар амалга оширилибди. Руҳланиб кетдим. Табаррук маскан бўйлаб кезарканман илоҳий бир руҳ оғушига сингиб кетгандек эдим. Ҳа, ҳаётдан армон билан ўтган фидойи инсонларнинг руҳи поклари шод бўлмоқда.

**Остон ТЎРАЕВ,**
**Тошкент тумани,**
**меҳнат фахрийси.**

### *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасидан*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотлари қўмитаси 2000 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 2000 йилнинг 20 апрелидан 20 июнигача белгиланганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти низомига кўра, ушбу олий мукофотга сўнгги тўрт йил мобайнида яратилган, кўргазмага қўйилган ёки бошқа тарзда эълон қилинган монументал, тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик, меъморчилик-бадиий таъмирлаш, халқ ҳунармандчилиги ва ҳайкалтарошлик асарлари кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Мукофотга сазовор бўлган муаллифлар ва асарлар номи Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Асарларни тақдим этиш, уларга ҳужжат тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

**700000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 1-уй.**

**Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси.**

**тел; (3712) 34-83-54**

## НОЁБ ТОПИЛМА

Сурхондарё вилоятидаги Шеробод дарёсининг қадимги ўзани - Бўстонсойда, аниқроғи, қарийб минг гектар майдонни эгаллаган Жарқўтон харобаларида қазилма ишлари олиб бораётган Ўзбекистон-Германия қўшма экспедицияси археологлари ноёб топилмага дуч келди. Экспедициянинг ўзбек олимлари қазилма ўтказаётган қисмида бронза даврига оид металл эритувчи корхона - хумдон топилди. Сополдан қурилган, чуқурлиги икки, оловхонаси кенглиги бир ярим метр келадиган гумбазсимон ўчоқлар устига еттита қозон ўрнатилган. Олимлар фикрича, бу қозонларда қалай ва мис эритилган ва бир йўла йигирма килогача қуйма маҳсулот олинган.

Академик А.Асқаров ва қўшма экспедиция раҳбари Ш.Шайдуллаев фикрича, қадимги аждодларимиз металл эритиш сирларини бошқа халқларга нисбатан анча олдин ва пухта билган. Эритилган металл маҳсулотлари билан шарқу ғарб давлатларида савдо-сотиқ қилган.

Жарқўтонда топилган бу ноёб қурилма қадимда ҳам юртимизда металлсозлик, ҳунармандлик юксак даражада тараққий этганидан далолат беради.

*Долзарб мавзу*

## ГАЗ СОВУҚҚОНЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

***Зангори олов беминнат ёнилғи. Республикамиз ҳукумати, хусусан, Президентимиз саъй-ҳаракати билан шаҳар-қишлоқларимизни газлаштириш масаласида беқиёс ишлар амалга оширилди. Айни кунларда беминнат ёнилғи қанчадан-қанча одамларнинг мушкулини осон этди. Бироқ газ совуққонликни асло кечирмайди.***

— Баъзи фуқароларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этмасликлари ҳамда жойлардаги мутасадди идоралар ходимларининг ўз ишларига совуққонлиги оқибатида айрим фожеали ҳодисалар юз бермоқда, - дейди республика ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Юсуф Қосимов. - Қувурларни таъмирлаш, муддати ўтганларини янгилари билан алмаштириш, уларни назорат қилиш қаердадир сустлигича қолмоқда. Пировард-натижада эскирган қувурлардан газ сизиб чиқиб портлашлар, ёнғинлар содир бўлмоқда. Бу эса одамларнинг тан жароҳати олишига, айрим ҳолларда эса бевақт ҳалок бўлишига олиб келмоқда.

Самарқанд туманидаги «Шариф бобо» хусусий савдо дўкони биноси ертўласи яқинидан ўтган газ қувурининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги ҳеч кимни ташвишлантирмади. Жонкуяр кишилар мутасадди идораларни огоҳлантирган бўлсаларда, вақтида чора-тадбирлар кўрилмади. Аста-секин газ тўплана бошлади ва табиийки, бахтсиз ҳодиса юз берди...

Бешариқ шаҳрида жойлашган хусусий ошхонада газ қувурлари назорат қилинмаган. Мутасаддилар фақат фойдаланишни билишган, холос. Бирёқлама иш юритиш, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик ҳамиша қимматга тушади. Мазкур ошхонада юз берган портлаш туфайли бинолар жиддий шикастланди, қатор кишилар тан жароҳати олди.

Нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари жойлардаги идора ва муассасалар билан ҳамкорликда маҳаллалар, аҳоли турар-жойларида бўлиб, газ ускуналарининг техник созлиги, хавфсизлик қоидаларига қандай риоя этилаётганлиги билан яқиндан танишдилар. Кузатишлар давомида 396.724 та кўпқаватли уйлар, аҳоли турар-жойлари, шунингдек, халқ хўжалиги масканларидаги ёнилғи тақсимлаш қутилари, ускуналар, мосламалар махсус кўрикдан ўтказилди. Камчилик ва нуқсонларни иложи борича тезроқ бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Масалан, Навоий туманидаги Маликработ қўрғонига тегишли 8800 метр ўрта ва паст босимли газ қувурлари 1967 йилларда ер остидан ўтказилган бўлиб, улар мутлақо яроқсиз ҳолга келган. Шу тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳам бу борада қатор камчиликлар аниқланди. Тўда, Хуррамобод, Қайрағоч, Зоҳидон, Чекжалаер, Дутир қишлоқларидаги кўпгина ер ости қувурларини аллақачон янгилаш лозим эди. Лекин бу ишни пайсалга солиш мумкин эмаслигини мутасаддилар негадир унутишмоқда. Ўзбекистон туманидаги Хонизор қишлоғида 600 метр масофадаги ер ости газ қувури устига аҳолига уй-жой қуриш учун ер майдони берилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Боз устига баъзилар ўзбошимчалик билан ўз билганларича хонадонларга, бостирмаларга газ қувурлари ўтказиб олишган.

Сўнгги йилларда баллонли газдан фойдаланишни назорат этиш, уларни белгиланган муддатларда синовдан ўтказиш ишларида ҳам сусткашлик кўзга ташлана бошлади. Газ - беминнат, бебаҳо бойлик. Лекин эҳтиёт чоралари унутилса, у фожеага сабабчи бўлади. Яқинда Марғилон шаҳридаги қурилиш моллари бозори олдидаги хусусий ошхонада суюлтирилган газ портлади. Уч нафар фуқаро бевақт ҳаётдан кўз юмди, беш киши тан жароҳати олди. Бу каби ҳодисалар барчамизга сабоқ бўлиши керак.

**Суҳбатдош:**
**А.ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Миллий ғоя — қудратли куч*

# МАЪНАВИЯТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

***Истиқбол ва маънавият сўзлари чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Зеро келажакни маърифат-маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон учун ҳам моддий, ҳам маънавий озиқ жуда зарур; моддий омиллар жисмоний куч-қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ бағишлайди.***

Маънавият ўзи нима? Туғилган ва униб-ўсганимиз муқаддас ер, оила, ота-она, фарзандлар, қариндошлар, оғайнилар, қўни-қўшнию маҳалла-кўй ва пировардида халқ бир бўлиб ўз юртига ҳурмат ва садоқат кўрсатиши, ҳар бир кишининг қадр-қимматини жойига қўйиш, иймон ва виждонли, диёнатли бўлиш, Ватан ҳимоясига доимо тайёр туриш, меҳнатда жасорат кўрсатишдир. Инсонни инсон деб аташга бериладиган кафолат ана шу фазилатларда кўринади.

Айниқса, ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга катта аҳамият берилаётгани ҳам шу боис.

Чунки давлат тараққиёти ҳар томонлама билимли, юқори малакали, демократик давлат қурилишининг фаол аъзолари бўла оладиган ёшлар қўлидадир. Бунинг учун эса улар юксак аҳлоқий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари лозим. Ҳуқуқий тамойилларни ҳурмат қилган, адолатли қонунлар ўзини ҳимоя қилишини билган ва улар ким учун, нима сабабдан қабул қилинганлигини тушунган одам ҳеч қачон қоқилмайди, ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тияди.

Асосий қонунимиз фуқароларга билим олиш ҳуқуқи (40-модда); илмий-техникавий ижод эркинлиги (42-модда); меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи (37-модда); сўз ва эътиқод эркинлиги (29-модда); мулкдор бўлиш ҳуқуқи (36-модда); ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни яратиб берди. Миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсади инсоннинг энг олий қадрият деб билишдадир. Шу боис ҳам мустақилликка эришгандан буён ёшларнинг, хусусан қишлоқ ёшларининг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқариш учун сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асослар яратилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий онгни юксак даражага кўтариш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш амалдаги мавжуд ҳуқуқий нормаларнигина билиб олишни назарда тутмайди. Балки, қонунларни турли ҳаётий вазиятларда қўллаш, уларни тадбиқ эта билишни ҳам тақозо қилади.

Йўлбошчимизнинг ушбу таърифига эътибор қилинг-а: «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўгити билан бирга сингади. Маърифат инсоният боғининг гўзал дарахти, маънавият одамийлик хазинасининг гавҳаридир».

Кўхна илм масканларидан ҳисобланмиш Тошкент давлат аграр университетида ҳам бу йўналишда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Касб-корига кўра келгусида қишлоқ жойларида, хўжалик юритишнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатадиган талабалар ўртасида юксак маданиятни шакллантириш мақсадида «Маънавият ва маърифат» хоналарида ҳуқуқий бурчаклар ташкил этилган бўлиб, улар сиёсий адабиётлар билан таъминланиб, ҳақиқий зиё масканига айлантирилган. Талабалар ҳафтанинг сешанба куни бўладиган махсус соат — маънавият дарсида олган билимларига бу ерда сайқал бериш имконига эгадирлар.

Кези келганда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилганлигини таъкидлашни истардим. Лекин давр мавжуд ютуқлар билан чекланиб қолмасликдан огоҳ этмоқда. «Маънавият ва маърифат» марказлари, «Камолот» ёшлар жамғармаси, хотин-қизлар қўмиталари, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» ва бошқа жамоат ташкилотларининг ишини жонлантириш, уларнинг талабалар дунёқарашини шакллантиришдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш зарур.

Ёшлар билан ҳуқуқ-тарғибот ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиш, ёшларда қонунга бўлган ҳурмат руҳини шакллантириш ҳам ғоят муҳимдир. Шунингдек, талаба ёшлар қалбида энг юксак туйғу — Ватан туйғусини янада алангалантирмоғимиз даркор.

Ўзбекистон барчамиз учун муқаддас. Ватанни идрок этиш эса ёшликдан бошланади. Зеро она Ватанни севиш, уни мадҳ этиш шунчаки баландпарвоз сўзлар йиғиндисигина бўлмай бу туйғу катта-катта бунёдкорлик ишларига йўналтириши билан ҳам қадрлидир. Бугуннинг талаби шундай: «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» талаблари асосида маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига қисқа фурсатларда чиқиб олиш. Осон бўлмаган бу вазифани уддалашда шак-шубҳасиз ўқув масканларининг ўрни ва роли беқиёс. Комилликка эришиш учун аввало дунёвий билимларни эгаллаш даркор. Хадиси шарифда айтилганидек, бир соат илм ўрганиш, бир кечалик нафл ибодатидан афзалдир. Шундай экан, ёшларни ҳозирги даврдаги миллий мафкурамизга, умуминсоний қадриятларга, диний аҳлоқ ва умуман исломга зид бўлган ақидапарастликнинг зарарли оқибатларидан мунтазам хабардор этиб боришда ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар ва кенг жамоатчилик фаолиятини жонлантириш бугунги кун талабидир.

Юксак маънавият — миллий мафкурамиз бош омили. Илм-маърифатли, миллат қадриятларини ўзида чуқур намоён этувчи, она Ватанни чексиз севувчи ва унинг гуллабяшнаши учун фидойи бўлган баркамол шахсни шакллантириш йўлида ҳар бир меҳнат жамоаси томонидан маънавият-маърифат ишининг мақсади, йўналишлари ва вазифаларини мукаммал белгилаб олиш яхши самара беради.

Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт», - деган сўзлари фаолиятимиз дастурига айланмоғи лозим.

Зеро бу савобли ишга, қолаверса давлат, халқ тақдири, келажак авлод тақдири билан боғлиқ вазифани амалга оширишга барчамиз масъулдирмиз .

**Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ, профессор.**

*Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин*

# КОРХОНАНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

***Сир эмас, тўрт-беш йил илгари Сирдарёда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони бармоқ билан санарли эди. Айни чоғда улар сони 20дан ошди. Бу эса аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашга хизмат қилаяпти. Вилоятда биргина ўтган йили саноат бўйича 17,5 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Истиқболли ана шундай жамоалардан бири «Личева-фармасаноат» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасидир. Ўзининг учинчи баҳорини қаршилаётган корхона жамоаси бир қанча муваффақиятларни қўлга киритишга улгурди. Бу ҳақда корхона бош директори ўринбосари Мирсаид Ботиров шундай деди:***

— 1997 йилда мамлакатимиз ҳамда чехиялик мутахассислар ҳамкорлиги натижасида корхонамизга асос солинди. Низом жамғармамиз 1544440 АҚШ доллари миқдорини ташкил этади. Дастлабки кунларданоқ ноёб ва тахчил дориларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга интилдик. Биринчи йили республикамиз эҳтиёжига яраша маҳсулот тайёрлаган бўлсак, кейинчалик қўшни мамлакатларни ҳам зарур дори билан таъминлаш имконияти яратилди. 1998 йилда катта миқдорда тайёр маҳсулот сотилишига эришилди. Ўша йили Туркманистон республикасига кўплаб дори-дармон экспорт қилинди. 1999 йилда хорижий ҳамкорлар билан 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорида хом ашё харид қилиниб 121,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Айни чоғда қўшни Тожикистон, Қирғизистон , Қозоғистон ҳамда Туркманистон давлатларига дори етказиб бераяпмиз.

Жамоамиз аҳли изланиши туфайли четдан хом ашё келтиришни камайтириш, имкон қадар ўзимиздаги бор имкониятлардан фойдаланишга интилаяпмиз. Шу йил бошидан 5 хилдаги дори воситалари, хом ашёсини ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйдик. Бу эса катта иқтисодий фойда келтириши шубҳасиз. Жорий йилда бир миллион АҚШ доллари миқдорида дори-дармон ишлаб чиқаришни режалаштириб турибмиз.

**— Ишчи хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги қандай бўлаяпти?**

—Корхонамизда 30 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг унумли ишлаши , ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Корхонамиз замонавий услубда қурилиб, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Асбоб-ускуналарнинг барчаси энг сўнгги моделлардир. Шу боис ишчиларимиздан билим-маҳорат талаб этилади. Улар бутун имкониятларини ишга солишмоқда, биз эса шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ходимларимизнинг ўртача ойлик маоши ўн саккиз минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, илғорлар вақти-вақти билан моддий рағбатлантириб борилмоқда. Мушина Нурисманова, Рўза Зиядинова, Нелия Минасян сингари ишчиларимиз жамоа фахри ҳисобланишади.

Ёш авлодни соғлом-баркамол инсонлар бўлиб етишувини таъминлаш барчанинг бурчидир. Биз ҳам уларга баҳоли қудрат хизмат кўрсатишга интилаяпмиз. Гулистон шаҳридаги «Гўзал» болалар боғчасига 17029 сўм, 2-Тошкент давлат тиббиёт институти талаба ёшларига 27901 сўм миқдорида моддий мадад кўрсатдик. Гулистон футбол клуби ҳисобига салкам 40 минг сўм миқдорида маблағ ўтказиб бердик.

Юртимизда урф бўлиб бораётган меҳр-шафқат, хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этаяпмиз. Вилоят кўзи ожизлар жамиятини бепул дори-дармонлар билан таъминлаб турибмиз. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга моддий мадад кўрсатишни ҳам мақсад қилиб олганмиз. Чехия республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси орқали 500 минг сўмлик дори-дармон муҳтожларга инъом этилди. Эзгуликни, меҳр-мурувватни ҳар доим, ҳар куни қилиш керак. Биз ҳам имкон қадар бу савобдан четда қолмасликка интилаяпмиз.

**— Режалар ҳақида...**

— Корхонамиз муайян ютуқларни қўлга киритаяпти. Аммо бу чегара бўлиб қолмайди. Шу йилдан дори-дармонлар турини 30 хилга етказишни мўлжаллаганмиз. Корхонани кенгайтириш мақсадида 2 босқич қурилишини бошлаяпмиз. Хорижий ҳамкорлар билан халқимизни янада камёб дори-дармонлар билан тўлароқ таъминланишига ишонч бор. Айни чоғда биз ишлаб чиқараётган юрак, қон босимига малҳам бўлувчи мазларга талаб жуда катта. Амитриптилин, гепороиз, латанакс, хлорофиникол, калийхлорид каби дорилар беморлар дардига малҳам бўлаётганидан мамнунмиз.

**Суҳбатдошлар: Н. ШАМСИЕВ ва К.БОЙМУРОДОВА.**

# МЕҲНАТИДАН МАНФААТДОР ҲИССАДОРЛАР

***- Халқ хўжалигининг турли соҳалари, бутун ҳаётимизни темир йўл, поездларсиз тасаввур этиш мушкул, - дейди «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмасига қарашли очиқ ҳиссадорлик жамияти Навойи вилоят бўлими бош муҳандиси Шуҳрат Тўйбоев «Туркистон-пресс» мухбири билан бўлган мулоқотда.***

-Меҳнат жамоамиз, асосан, темир йўллар қуриш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланади. Айни кунда 200 нафар ишчиларимиз самарали меҳнат қилиб, Қизилқум фосфорит комбинатига элтувчи 38 километрли темир йўлни фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Бундан ташқари,жамоамиз жорий йилнинг иккинчи чораги охиригача вокзал ва қўшимча бинолар қурилишини ҳам тугаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётган ушбу корхона хайрия тадбирларига ҳам бош-қош бўлмоқда. Масалан, кам таъминланган оилаларнинг 140 нафар фарзандларига вақт-вақти билан моддий ёрдам бериб келмоқда.

-Ҳадемай «Учқудуқ - Нукус» темир йўли қурилишини бошлаб юборамиз. Уни ҳам қисқа фурсат ичида якунлаш режалаштирилган. Катта билим ва тажрибага эга бўлган Ш. Хўжаев, Ш.Раҳмонқулов каби илғорларимиз ҳаммага ўрнак бўлишмоқда. Меҳнатдан манфаатдор ҳиссадорларимиз иш суръатини сира пасайтирмасликка аҳд қилишган.





Наманган вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири «Касмирдери» қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун курашиб келмоқдалар. Бу ерда асосан чарм куртка, болалар устки кийим-бошлари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тендерида қатнашиб, 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари учун курткалар, плашлар, сумкалар тайёрлаш юзасидан жами 10 турдаги маҳсулотга буюртма олган қўшма корхона ишчи-хизматчиларининг мақсади энг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

**Суратларда: илғор ишчилар Муқаддасхон Бобохонова ва Аюбхон Авлиёев.**

**Б. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Меҳнат хавфсизлиги*

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БАХТСИЗ ҲОДИСА

***Инсон боласи борки туғилаётганда йиғлаб, ёруғ оламга ташриф буюради. У ўзининг замин фарзанди сифатида дунё юзини кўрганлигини бошқаларга билдириб қўйиш учун балки шундай қилар. Нима бўлгандаям, чақалоқ йиғиси ота-она, оила аъзолари учун бир олам қувонч олиб келади. Бироқ катталар йиғиси, ота ёки онасидан кутилмаганда ажралиб, етим қолган фарзандлар ноласидан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Лекин ҳаёт ҳаёт экан-да. Унда севинч кўз ёшлари билан бирга, ўкинч, афсус-надомат, армонга йўғрилган ҳодисаларга ҳам дуч келаркансан, киши. Дардли изтироблар, фалокатнинг маълум қисми ишлаб чиқариш жараёнида рўй бериши эса янада афсусланарлидир. Маълумотларда қайд этилишича, фуқароларнинг ижтимоий меҳнат қилиш чоғидаги бахтсиз ҳодисалар бир неча сабаб билан, яъни ишловчининг меҳнат хавфсизлиги қонун-қоидаларини яхши билмаслиги, бепарволиги, эътиборсизлиги ёки маъмурият ва касаба уюшма ташкилотининг бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш юзасидан тегишли тадбирларни кўрмаганлиги ёхуд меҳнат муҳофазасига оид оддий шарт-шароитни яратмаганлиги боис рўй берар экан. Ваҳоланки, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда таъкидланишича, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ёки муассасаларда ишловчилар учун барча шароитлар яратиб берилиши зарур.***

Афсуски, меҳнат қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатлар етарли бўлишига қарамасдан, иш жараёнида уларга амал қилиш баъзи ерларда жуда суст кечмоқда. Аксарият ҳолларда корхона раҳбарлари ушбу мақсадлар учун маблағ йўқлиги баҳонасини рўкач қилишдан нарига ўтмайдилар. Ваҳоланки, давлатимиз сиёсатининг асл моҳияти ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровон яшаши учундир. Шундай экан, маъмуриятларнинг, айни пайтда касаба уюшмаларининг ҳам долзарб вазифаларидан бири — меҳнат кишиси ҳаётини иш жараёнидаги турли фалокатлардан сақлаб қолишга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Шу муносабат билан Навоий вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ушбу соҳадаги фаолиятига бир назар ташладик. Аввало, Кенгашнинг бош меҳнат техник назоратчиси Ш.Саидовнинг бизга тақдим этган маълумотномасидаги айрим фактлар атрофида фикр юритсак. Жумладан, унда ўтган йилги бахтсиз ҳодисалар бурноғи йилдагига нисбатан ойма-ой қиёсланади. Масалан, агар 1998 йилда бахтсиз ҳодисалар умумий сони 62 та бўлса (шундан 47 таси ўлим билан тугаган), 1999 йилда эса бу кўрсаткич 34 та (ҳаммаси ўлим билан боғлиқ)ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, бир йил ичида бахтсиз ҳодисалар сони 28, ўлим билан тугаганлари эса 13 тага камайган.

Масалан, «Навоийпарранда» ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси Р.Тошев, Қизилтепа туманининг Қосим Раҳматов номли жамоа хўжалиги шофери Аҳрор Асловов автотранспорт ҳалокатига учраб дунёдан кўз юмган. Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими С.Сергеев хизмат вазифасини бажараётган пайтда кўп қаватли уйдан йиқилиб, вафот этган.

Навбаҳор туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги ишчиси Шерзод Акрамов эса қазилган хандаққа тушиб, кўмилган қувурни ахтараётганда юқоридаги тупроқ уюмлари кўчиши оқибатида унинг тагида қолади ва қайтиб турмайди. Улар-ку ўзларининг эҳтиётсизликлари, шошма-шошарликлари, бир ишга киришишдан олдин етти ўлчаб бир кесмаганликлари сабабли фалокатга йўлиққан бўлишлари мумкин, дейлик. Бироқ қолганларнинг ҳаёт шамлари бевақт сўнганига, ўнлаб оналар бева, фарзандлар етим қолганига нима дейсиз?! Ёруғ дунё билан видолашганларни энди ҳаётга қайтариб бўлмайди. Лекин улар учун тўкилган кўз ёшларига, чекилган дард-аламларга ким малҳам қўя олади?! Ҳеч ким. Демак, шундай экан, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун энг зарур тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш билан ушбу масала ечимига йўл топиш мумкин.

Навоийлик касаба уюшмалари ҳам айниқса ўтган йили ана шундай иш тутишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникаси тартиб-қоидаларига риоя этилиши юзасидан суҳбатлар, семинарлар уюштирилди. Йўриқномалар тушунтирилди, ўқувлар ташкил этилди. Ишловчиларга энг зарур шарт-шароитлар яратилиши устидан назорат кучайтирилди. Вақти-вақти билан ишчиларнинг шу соҳага оид олган билимлари синовдан, машина-механизмлар иш жараёнлари кўрикдан ўтказиб турилишига алоҳида эътибор берилди. Энг ташвишли жиҳат — айрим бахтсиз ҳодисаларни жамоатчилик назаридан яширишга бўлган уринишларга йўл қўйилмади. Жароҳатланиб, ногирон бўлиб қолганларга нафақалар расмийлаштиришда ёки уларни тўлашда сансалорлик ҳолатларига чек қўйиш йўллари қидириб топилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайлигина ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган бир қанча кўнгилхираликларнинг олди олинди.

Кенгаш меҳнат техника назорати бўлими жорий йил учун белгилаган тадбирларининг асосини ҳам инсон саломатлигини авайлаб-асрашга қаратилган ғамхўрликлар қамраб олган, дейиш мумкин. Чунончи, корхона, ташкилот, муассасаларда амалдаги йил учун жамоа шартномаларини тузиш жараёнида уларга меҳнат, техника хавфсизлигига қатъий риоя қилишга оид тегишли ўзгартиришлар киритилди. Иш ўринларини турли бахтсизликлар келиб чиқиши эҳтимолига қарши жиҳозлаш, созлаш, техника воситаларини доимий назоратда тутиш, инсон омилига хизмат қиладиган замонавий хавфсиз дастгоҳларни кўпайтириш масалалари диққат марказига қўйилди. Шунингдек, меҳнаткашлар фарзандларини ёзги таътил мавсумида оромгоҳларда хавфсиз ва мароқли дам олишларини таъминлаш юзасидан ҳадемай амалий ишга киришади. Меҳнат Кодекси ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар моддаларининг бажарилишини мунтазам назорат остига олишни ўз режасига киритган.

Ўйлаймизки, шу каби эзгу тадбирлар амалиётда ўз ифодасини топади. Зеро, ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий амал қилингандагина бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин.

**Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» мухбири.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# «НОРИН»ДА ҚАЧОН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ?

Газетамизнинг шу йил 29 феврал сонида юқоридаги сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда Норин туманидаги «Норин» жамоа хўжалигидаги бир қатор камчиликлар, жумладан, пахта тайёрлаш режаси бажарилгани билан самаранинг камлиги, касаба уюшма қўмитасининг фаолиятидаги камчиликлари қаламга олинганди.

Туман ҳокимининг ўринбосари таҳририятимизга йўллаган жавоб хатида маълум қилинишича, мақола муҳокамаси юзасидан туман ҳокимлигида барча тармоқ ҳамда хўжалик, ташкилот касаба уюшма қўмиталари раислари, хўжалик раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилган.

Норин деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси касаба уюшма қўмитаси раиси А.Маматовга ишдаги камчиликлар, «Норин» хўжалиги бошқаруви раиси Х.Аббосовга касабақўмга етарли шарт-шароит яратиб бермаганлиги учун хайфсан эълон қилинди.

Норин деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси бошқарувига бир ой муддат ичида хўжалик учун таъмирланаётган янги бинодан касаба уюшма қўмитаси учун алоҳида хона ва жиҳозлар ажратиб бериш, барча бошланғич ташкилотлар зиммасига ушбу мақолани атрофлича муҳокама қилиб тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш, касаба уюшма фаоллари билан ишлашни жонлантириш, иш юритиш ҳужжатларини белгиланган меъёрлар асосида тўғри юритишни таъминлаш вазифаси юкланди.

# ЛАЙЛАК

## эзгулик, қут-барака рамзи

Қишчиқар кезларида Кўқонга сафарга отландик. Машина манзил томон елдек учади. Фарғона чўлларининг кўрки — Аччиққўл массиви бошланди. Ажиб манзара эътиборимизни тортди.

— Вой, ана ву лайлакларни қаранглар, бирам чиройли, - деди набирам ҳаяжонини яширолмай.

Симёғочлар тепасига қатор ин қуриб олган эзгулик, қут-барака рамзи бўлмиш бу қушларга тикилиб қалбимиз яйради, вужудимизга илиқлик югурди.

— Бу ер лайлаклар шаҳарчасими, - сўрайди ҳайдовчи улардан кўз узмай. - Негадир улар сўнгги йилларда шу ерларда қишлаб қолишаяпти. Бошқа ерларни хушламай қўйишди.

Ўн уйлик қишлоғига кираверишдаги ҳим кулиб: лайлак сиз билан саломлашаяпти, у меҳмонларни шундай қаршилайди, деди.

— Ҳазилингизни қўйинг, - дейман ишонқирамай.

Шунда яна келган йўлимизга қайтдик. Ишонсангиз лайлак менга тикилганча тумшуғини тақиллатиб саломлашарди...

Шу куни чайлада қишлоқнинг асл деҳқонлари билан суҳбат қурдик. Негадир Фармон отанинг чеҳраси ёришмасди. Маврудини топиб, қалбига қўл солдим.

— Ҳаётда яхшилар кўп, бироқ қалби қўтир, муқаддас туйғулардан йироқ бўлган ношудлар ҳам йўқ эмас, - фикрини ифодалади ота. - Бундайларнинг



кўриниш янада мароқли эди. Қаторасига тизилиб олган жониворлар ҳар замонда тумшуқларини бир-бирларига уриб ўз тилларида нималарнидир дейишади. Сеҳрланиб қолдик чоғи, шу ерда тўхтаб ён атрофни завқ билан томоша қилдик.

— Ажабо, лайлаклар нима сабабдан бошқа ўлкаларга учиб кетмайдиган бўлиб қолишди, - сўрадим 80 ёшлардаги отахондан.

Суҳбатдошим чеҳраси ёришди. У бир сония фикрларини жамлагач, деди:

— Лайлаклар жуда ақлли қуш. Яхшиёмонни тез ажратишади. Очиғи улар нима сабабдан юртимиздан нари кетмай қолганликлари ҳақида кўп ўйлайман. Чамаси бунда рамзий маъно бор. Ўзингиз ўйланг, мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнамоқда. Етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзгармай харобага айланган қишлоқларимизда кунда бир янгилик. Ҳамма яшаш, яратиш ишқи билан банд. Лайлаклар мамлакатдаги ўзгаришларни, одамлар кайфиятини яхши илғашади. «Ҳозирги кунда шу жаннатмакон ўлкадан яхшироғи йўқ, ҳаётимиз осуда кечиши учун ҳамма шароит етарли» демоқчи бўлишса ажабмас.

Отанинг гапига ишондим. Лайлаклар ўта ювош, инсонга яхшилиги билан ажралиб турадиган, хосиятли кўринишлари, яшаш тарзлари билан борлиққа кўрк бахш этишади.

Йўл юришда давом этамиз. Воқеалар таъсирида Кемабоши қишлоғида бир вақтлар кўрган воқеа хотирамда жонланди. Таниқли пахтакор Мадаминжон Камолов билан пахтазорни айланарканмиз, бир нарса тақиллаётганини сезиб, ён-атрофга алангладик. Ҳамрожисми жонига Ватан ишқи, юрт меҳри сингмаган, қалби нур билан йўғрилмаган.

Негадир нуроний асабийлашиб, қўллари титрай бошлади.

— Узр, бир воқеа ҳақида ўйласам вужудим ларзага келади, - деди у менга юзланиб. - Биз лайлакларга жуда-жуда ўрганганмиз. Улар бўлмаса қишлоғимиздан файз кетади, ён-атроф хувиллаб қолади. Лайлаклар ўзга юртлардан учиб келишса бутун қишлоқда байрам бўлиб кетарди. Яқин ўртада симёғочда бир жуфт лайлак яшарди. Бир куни пода қайтар пайтида ариқ ёқалаб уйга қайтарканман ёлғиз лайлакка кўзим тушди. У ён-атрофга олазарак боқар, инидан дам экинзорга, дам шолипояга шўнғиб, шеригини ахтарарди. Бир махал у товуш чиқариб кўкка парвоз қилди. Сўнг шолипояга шўнғиб жим қолди. Ҳайратланиб ўша томон юрдик. Қарангки, лайлакнинг жуфтини кимдир ваҳшийларча ўлдириб кетибди. Лайлак қанотларини осилтирганча неча кун мотам тутиб ётди. Еттинчи куни жуфти ёнида у ҳам жон берди. Лекин уларнинг инини биронта лайлак ватан қилмади. Бу гўша шерикларига бахтсизлик келтирганини, ҳосиятсиз жойга айланганлигини чамаси сезишарди.

Шу кунларда Наманган қишлоқларини кезсангиз жозибаси, хосиятини сўз билан ифодалаш қийин бўлган ажойиб лайлакларга кўзингиз тушади. Улар бир умрга шу ердан қўним топган, ҳур Ўзбекистон қут-барака, осойишталик маскани эканлигини эсга солиб туради гўё!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



# ШАҲРИСАБЗДА ПАҲЛАВОНЛАР БЕЛЛАШИШДИ

*(Боши 1- бетда)*

Мусобақалар илк дақиқаларданоқ ўта шиддатли ва ҳаяжонли тус олди. Кўпчилик мухлислар ва спорт журналистлари асосий ўринлардан бирига даъвогар деб ҳисоблаётган қозоғистонлик Достон Пиримқулов қашқадарёлик полвон Исоқ Аҳмедов билан майдонга тушди. Стадион гулдурос олқишлардан ларзага келди. Исоқ полвон, гарчи жуда тажрибали ва кучли рақиб билан беллашаётган бўлса ҳам, ўзи туғилиб ўсган тупроқнинг, қўллаб-қувватлаб турган халқнинг ишончини оқламаслиги мумкин эмас эди. Гиламда фақат билак кучи эмас, ор-номус кураши ҳам бораётгани кўриниб турарди. Исоқ полвон Достон Пиримқуловнинг яғринини ерга босганида нафақат стадион аҳли, балки Шаҳрисабзни ўраб турган виқорли тоғлар ҳам гулдираб кетгандай бўлди.

Ўзбек курашининг дунё бўйлаб кенг «юриш бошлагани» - спорт ишқибозлари қалбидан мустаҳкам жой олаётгани бежиз эмас. Турнир олдидан ўтказилган матбуот анжуманида хорижлик меҳмонлар: «Сизнинг курашингизда ғирромлик йўқ. Гиламда тик туриб бел олишаётган паҳлавонлар томошабинларга фақат жисмоний куч баҳсини эмас, ҳалоллик ва мардлик каби хислатларни ҳам намойиш этади. Бу эса ишқибозларга завқ беришдан ташқари, тарбиявий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга», деб таъкидлашди. Россиянинг Тверь вилояти губернатори ўринбосари Игор Ялишев: «Биз ўсиб келаётган ёшларни кўчадан тортиб олишимиз керак. Бунинг учун уларга ҳам жисмни, ҳам руҳни чиниқтирадиган спорт турини тақдим қилишимиз зарур. Кураш шу жиҳатлари билан россиялик спортчилар эътиборини қозонди. Ҳозирда кураш бўйича мусобақалар ўтказяпмиз, уни телевидение орқали тарғиб қиляпмиз. У бизнинг ёшларимизни ҳам тарбиялаяпти», деди.

Мусобақалар ҳал қилувчи паллага кирганда қуръа бўйича Исоқ полвон ўз устози Баҳром Авазов билан гиламга тушиши керак эди. Лекин, одатимизга кўра, шогирд ўз устозининг ёқасини ушламайди, қарши курашмайди. Исоқ полвон ҳам майдонга чиқиб, халқ олдида устозига эҳтиромини билдирди - узрини айтди. Бу ҳам курашнинг тарбиявий жиҳатларидан бири бўлди, десак янглишмаймиз. Зотан, адл паҳлавонларнинг бир-бирига бундай ўзбекона муносабати ёшлар учун ибрат бўлиши тайин.

Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган биринчи анъанавий халқаро турнирнинг ғолиби қашқадарёлик Абдуқодир Пирматов бўлган эди. Иккинчи турнирда эса ғолиблик яна бир қашқадарёлик полвон Баҳром Авазовга насиб қилди. Шу боис стадионга йиғилган томошабинлар ярим финалда Баҳром Авазов билан жаҳон чемпионатининг кумуш медал соврindори Эрали Маҳмарасулов ўртасидаги курашни юрак ютиб томоша қилди. Белгиланган вақтда ҳеч ким муқаррар ғалабани қўлга кирита олмагандан кейин ҳакамлар томонидан ғолиблик фаол курашгани учун Баҳром Авазовга берилди.

Финалда Баҳром Авазов грузин йигити Георгий Цминдашвили билан гиламга тушди ва бир ярим дақиқада рақибининг елкасини ерга босди. Учинчи ва тўртинчи ўринларни эса Эрали Маҳмарасулов ва Цветко Цветков бўлишиб олди. Ғолибларга турнир ташкилотчилари томонидан таъсис этилган «Нексия» ва «Дамас» автомобиллари, видеоиккиликлар тақдим қилинди. Турнирда ўзининг кучи ва маҳоратини намойиш қилган бошқа полвонлар ҳам турли рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиби бўлди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**Абдужалол Тайпатов,**
**ЎзА мухбирлари**



## ОРЗУИМ УШАЛДИ

**Баҳром АВАЗОВ, турнир мутлоқ ғолиби:**

Ушбу нуфузли мусобақада қатнашиб ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман. Менинг бу ютуғимда мухлисларимнинг ҳиссаси катта. Чунки, улар мени бутун мусобақа мобайнида қўллаб-қувватлаб туришди. Худога шукрки, уларнинг ишончини оқладим, юртдошларим юзини ерга қаратмадим. Ушбу мукофотни нафақат менга, балки барча юртдошларимга берилган деб биламан. Бундан кейин ҳам жаҳон майдонларида юртдошларим ишончини оқлаб, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

Шуни ҳам қувонч билан айтишим мумкин-ки, ўз кузатувларим мобайнида ўйингоҳга бунчалик кўп томошабин тўпланганлигини билмайман. Демак, ўзбек кураши том маънода ўз нуфузини топмоқда. Бундан фақат қувониш мумкин.

## АСЛ ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

**Сирож Ул МАВЛА,**
**Бангладеш:**

Ўйингоҳдаги томошабинларни кўриб, рости, ўзбекларнинг курашга бўлган қизиқиши, чексиз меҳру муҳаббатига яна бир бор амин бўлдим. Майдонда ҳалол кураш тушаётган алпқомат полвонларни чин дилдан олқишлаганлари учун уларга тасаннолар айтдим.

Бугун ўзбек кураши чин маънода жаҳонга юз тутмоқда. У кўплаб хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мен ҳам ўз юртимда баҳоли қудрат ўзбек миллий курашини тарғиб қилмоқдаман.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Шаҳрисабзнинг асрлардан гувоҳлик берувчи тарихий обидалари менда катта таассурот қолдирди. Қадим Кешнинг обидаларини томоша қила туриб шунга амин бўлдимки, буюк соҳибқирон Амир Темур бу юртни бежизга севмаган экан. Ниятим, бу полвонлар юрти ҳалол курашининг довруғи оламни тутсин.

## ҚОЙИЛ!

**Эрназар ДИЛАКОВ,**
**мусобақа бош ҳаками (Туркманистон):**

Ҳар қандай беллашувда адолат устувор бўлиши керак. Айниқса, ўзбек курашида ана шу мезонга қаттиқ амал қилиш лозим. Мазкур мусобақа ғолибларини аниқлашда ҳам ҳакамлар холисона ёндашдилар, деб ўйлайман.

Беллашувларни бошқариб борган 30 нафар малакали ҳакамлар мусобақа адолатли якунини топишини таъминладилар.

Турнир сўнггида юртдошингиз Баҳром Авазовнинг ғолиб бўлиши, тўғриси, биз туркманистонлик меҳмонларни қувонтирди. Зеро, ориятли полвон ўз юртида, ҳамюртлари кўз ўнгида доим ғолиб келади.

## ҚУВОНЧИМ ЧЕКСИЗ

**Исматулла ТЎРАҚУЛОВ**
**мухлис:**

Ўзим шаҳрисабзлик бўлганлигим учун ҳам «Ҳисор»га тез-тез келиб тураман. Лекин ўйингоҳга томошабинлар сиғмай қолганлигини биринчи марта кўришим. Биласизми, ўйингоҳдаги минглаб мухлисларни кўриб кўзимга қувонч ёшлари келди. Ўзингиз айтинг, қувонмай бўладими?! Ахир, бугун курашимиз бўйича жаҳоннинг манаман деган полвонлари беллашмоқдалар-ку!

Биз яшайдиган Мироқи қўрғонида биринчи марта ўтказилган кураш мусобақаси ҳануз ёдимда. Ана шундан сўнг ёшларни спортнинг бу турига бўлган қизиқишлари тобора ошганди. Ушбу нуфузли мусобақанинг анъанавий тарзда ўтказилиши эса миллий курашимизнинг ёшларимиз ўртасида янада оммавийлашувида катта омил бўлди. Истагим, Юртимиз шарафини ҳимоя қилган Баҳром Авазов, Эрали Маҳмарасулов, Ботир Хўжаев, Нодир Музаффаров, Исоқ Аҳмедов сингари полвонларимиз доим ғолиб бўлаверсинлар.

## ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

**Жўра бобо НОРМЎМИНОВ,**
**кураш фахрийси:**

Биз курашиб юрган пайтларда миллий курашимизга унчалик аҳамият берилмасди. Тўйларда, кичик-кичик davраларда кураш тушардик, холос. Бугун эса очиғини айтсам, ёшларга ҳавасим келаяпти. Қани энди, ёшлигим, аввалги куч-қудратим ҳозир бўлсайди, мазза қилиб бел олишардим...

Мусобақани сурхондарёлик тенгдошим Ражаб полвон Абдуллаев билан бошлаб берганимдан роса қувондим. Илойим, элимиз шаънини ҳимоя қиладиган, Ватанимиз шуҳратини баланд кўтарадиган ёшлар кўпайсин. Полвонларимиз дунё кураш майдонларида юртимиз, мустақил Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилсинлар.



Муҳаммад АМИН, Шомурод ШАРОПОВ, Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# БУ – ҚИЗИҚ

XVII асрдан буён Англияда ажойиб қонун ҳукм суради: эркаклар ўз хотинлари билан кеч соат 21.00 дан эрталаб 6.00 гача уришишлари мумкин эмас. Қонунда айтилишича, бу ҳолат «қўшниларнинг тинчлигини бузмас экан».

***

Қадимги Мисрнинг бой ва бадавлат аёллари ёстиқдан ҳеч ҳам фойдаланишмас экан. Улар сочларини яхшилаб тараб, махсус тирговичлар қўйиб ётишаркан.

***

Люксембург шаҳрида турмуш қурган аёллар ўз хоҳишларича, (эрининг руҳсатисиз) ишлай олмайдилар. Бирон яқин кишиларига эса совға беролмайдилар. Ҳатто кассада ўзларига омонат дафтарчаси ҳам оча олмайдилар.

***

Қадимда Эфиопияда йигитлар тишларини чархлаб юришаркан. Ўша пайтларда қайси бир йигит бамбук шохини бир тишлаганда узиб ола олмаса, бўлажак келин ундан воз кечар экан.

***

Бир пайтлар Шанхай аёлларида узун тирноқ ўстириш одат тусига кириб, уларнинг тирноқлари ўртача 50-55 сантиметрни ташкил этган.

Талабалар театр-студияларининг анъанавий «Ниҳол-2000» фестивали ёшлар онгига юксак маънавият, ўзликни англаш, миллий ифтихор сингари эзгу ғояларни чуқурроқ сингдиришдек хайрли мақсадларни ўз олдига қўйган. Ўзбекистон Миллий Университетининг маданият саройида мазкур фестивал тантанали равишда ёпилди.

## «НИҲОЛ» ЯКУНЛАНДИ

Намойиш этилган асарларнинг миллийлиги, ижрочилик маҳорати, ғоявий, бадиий, тарбиявий аҳамиятига кўра Ўзбекистон Миллий Университети талабалар жамоасининг «Оқар дарё оқмасмиди жимгина» спектакли ҳамда Тошкент Давлат Техника университети талабаларининг «Шайтон ва Фаришта» спектакли биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, Бухоро Давлат университетининг «Уруш» ҳамда Қорақалпоғистон Давлат университетининг «Ҳаёт зарбаси» спектакли иккинчи ўринга, Фарғона Давлат университетининг «Тиконсиз типратикон» ва 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг «Суперқайнона» спектакли учинчи ўринга сазовор бўлди.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Буюртма Г— 294. 1 2 3 4 5 6